

ТАЛИБОВ Ўткур,

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

мустақил тадқиқотчиси

E-mail: otkurtalimov@gmail.com

АБУ ЖАЪФАР ТАҲОВИЙНИНГ “ШАРҲ МАОНИ-Л-ОСОР” АСАРИДА ҲАДИСЛАРНИНГ ҲАНАФИЙ МАЗҲАБИГА КЎРА ШАРҲЛАНИШИ

ИНТЕРПРЕТИРОВАНИЕ ХАДИСОВ СОГЛАСНО ХАНАФИТСКОМУ МАЗҲАБУ В ТРУДЕ АБУ ДЖАФАРА ТАХАВИ «ШАРХ МААНИ-ЛЬ-АСАР»

INTERPRETATION OF HADITHS ACCORDING TO THE HANAFI SCHOOL IN ABU JA'FAR TAHAWI'S WORK “SHARH MA'ANI AL-ATHAR”

Аннотация. Ушбу мақола ўз юртининг энг таниқли фақиҳи, мушкул саволларга қийналмай жавоб берувчи иқтидор соҳиби, мунозараларда ҳанафийликнинг энг кучли ҳимоячиси бўлмиш Мисрлик аллома Абу Жаъфар Таҳовий (вафоти 321/933) ҳаёти ва илмий мероси ҳақида сўз боради. У кишидан ислом олами учун жуда муҳим бўлган китоблар мажмуаси қолган. Муаллифнинг ҳадис илмида ёзган энг яхши асарларидан бири “Шарҳи маони-л-осор” асаридир. Мақолада шу асарнинг тузилиши ва мазмуни ҳақида маълумотлар берилади.

Калим сўзлар: Абу Жаъфар Таҳовий, Шарҳи маони-л-осор, Кутубу ситта, ҳадис, фикҳ, жарҳ, таъдил, муснад.

Abstract. This article talks about the life and scientific heritage of the most prominent jurist of his country, the talented one who answered delicate issues without difficulty, the strongest defender of Hanafism in debates, the Egyptian scholar Abu Ja'far Tahawi (died 321/933). He handed down a collection of books that were absolutely essential for the Islamic world. One of the best works written by the author in the science of hadith is “Sharhi Ma'ani al-Asar”. The article presents information about the structure and content of this work.

Key words: Abu Ja'far Tahawi, Sharhi Maoni al-Athar, Kutubu sitta, hadith, fiqh, jarh, ta'dil, musnad.

Аннотация. В статье рассказывается о жизни и научное наследие Египетского ученого Абу Джафара ат-Тахави (умер в 321-933г.). Которой был самым известным юристом своей страны, без труда смог ответить на трудный вопросы и был сильнейшим защитником ханафизма в диспутах. Он оставил коллекцию книг которая была очень важно для исламского мира. Одним из лучших произведений, написанных автором по науке о хадисах, является “Шархи Маони аль-Асор”. В статье представлена информация о структуре и содержании данной работы.

Ключевые слова: Абу Джафар ат-Тахави, Шархи Маони аль-Асор, Кутубу ситта, хадис, жарх, таъдил, муснад.

КИРИШ

Ислом илмларининг ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг ҳаёт ва ижодларини ўрганиш, асарларини кенг оммага етказиб бериш билан бир қаторда ислом илмлари ривожига ҳисса қўшган алломалар ҳаёти, илмий фаолиятини тадқиқ қилиш, ҳадис, фикҳ илмининг тарихий силсилаларини ҳисобга олиб, илмий тартиб-интизом асосидаги ишлар ва янги услублар орқали ҳадисларни тушунишга ҳаракат қилиш бугунги кун ва ҳар бир даврнинг долзарб муаммоларидан бўлиб келмоқда.

Шу маънода аллома, муҳаддис Имом Таҳовийнинг шоҳ асарларидан бири “Шарҳ маони-л-осор” китобини таҳлил қилиб, уни ўрганиш бугунги кунда нафақат илмий доирада, балки ундан кўчиб, жамиятнинг турли табақаларида миллий ўзликни сақлаш, соф эътиқодни ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, алломанинг ҳадислардаги тушунмовчиликларни ечишда ва ихтилофли ўринларга алоҳида тўхталиб, ўртадаги хилофга барҳам беришда ҳамда ҳанафий мазҳабини қўллаб-қувватлашда мазкур асар бекиёс ўрин тутади. Унинг бугунги кунгача ўзбек тадқиқотчилари томонидан ҳали чуқур ўрганилмаганлиги мазкур тадқиқотнинг долзарблигини кўрсатади.

АСОСИЙ КИСМ

Асар муаллифи Имом Абу Жаъфар Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Салома ибн Салама ибн Абдулмалик ал-Аздий ал-Ҳажарий ал-Мисрий ат-Таҳовий ал-Ҳанафий ўз даврининг алломаси, катта ҳофизи (Қуръон ва ҳадисларни ёдлаган билимдони), Миср диёрининг муҳаддис ва фақиҳи. У 239/853 йили Миср юқорисидаги Таҳо кишлоғида, олимлар хонадонидида туғилди. Отаси Муҳаммад муҳаддис олимлардан бўлиб, Имом Таҳовий ундан ҳадис ривоят қилган. Онаси эса Имом Шофеийнинг шогирдларидан бўлган Имом Музанийнинг синглиси.

Тоғаси имом Музаний Таҳовийга катта таъсир кўрсатган: унинг қўлида шофеий мазҳаби фикҳини ўзлаштирди. Аммо кейинчалик тоғаси билан айрим масалалардаги келишмовчилиги сабабли Имом Таҳовий ҳанафий мазҳабига ўтиб кетгани ҳақида ривоят қилинади. Бунинг сабабини қуйидагича изоҳлайдилар: бир куни Имом Таҳовий Имом Музанийга (тоғасига) берилган вазифани ўқиб бераётганида у жиянига “Аллоҳга қасамки, сендан ҳеч нарса чиқмайди” (яъни олим чиқмайди), деб жаҳл қилган. Шундан сўнг Имом Таҳовий тоғаси дарсларини тарк этиб, Абу Жаъфар ибн Абу Имрон Ҳанафийни ўзига устоз тутди, ундан илм ўргана бошлади. Имом Таҳовий ўзининг “Мухтасар”ини ёзиб бўлгач, “Аллоҳ Абу Иброҳимга (Музанийга) раҳм қилсин. Агар у ҳозир ҳаёт бўлганида ичган қасамига каффорат беради”, деган.

Имом Таҳовий кейинчалик, 268/881-82 йили Шомга сафар қилиб, у ерда Дамашқ қозиси Қози Абу Хозим билан учрашди, ундан фикҳ ўрганди. Аҳмад ибн Тулун билан алоқа ўрнатиб, кейинчалик унинг яқин кишиларидан бирига айланди. Бир йилдан кейин, 269/882-83 йили Мисрга қайтди.

Имом Абу Жаъфар Таҳовий ўз даврида Миср ҳанафийларининг етакчиси саналар, ҳадис ва фикҳ илмида кўзга кўринган олимлардан бири. У кўплаб қимматли асарларни ёзиб қолдирган. Хусусан, “Шарҳи маони-л-осор”, “Баёну-с-сунна”, “ал-Маҳозир ва-с-сижиллот”, “Шарҳи мушкили-л-осор”, “Аҳкому-л-Қуръон”, “Мухтасар” (фикҳда), “Ихтилофу-л-фуқаҳо”,

“ал-Акида” (“Ақидату-т-Таҳовия”) кабилар шулар жумласидандир.

Кўплаб аҳли илмлар, фақиҳ ва муҳаддислар, жарҳ ва таъдил олимлари Имом Таҳовийни мактаган.

Ибн Юнус: “Таҳовий ишончли, гапи олинадиган, фақиҳ, ориф одам бўлиб, ундайи бошқа бўлмаган”, деган. Ибн Асокир ва Ибн Жавзий ҳам у ҳақда шундай гапларни айтган [1:52].

Бадриддин Айний айтади: “Таҳовий замони ва юртининг алломаси, бандалари орасидаги Аллоҳнинг хужжати ва мўъжизаси, муснид (ривоятларига таяниладиган) ва илм учун сафар қиладиган имом, ҳифзи кучли олим, улуғ имомлар орасида сўзи макбул, салафларга эргашган, халафларга эса ўрнаткичи” [2:9].

Ибн Надим айтади: “Таҳовий ўз даврининг илм ва зуҳдда яғнаси эди” [3:257].

Ибн Абдул Барр “Илм” китобида: “Одамларнинг сийрати ва хабарларини энг яхши биладиганлардан эди. Чунки у куфаликлар мазҳабида (ҳанафий) бўлса ҳам бошқа фақиҳларнинг мазҳабларини ҳам ўзлаштирган эди. Аллоҳ уларнинг барчасини раҳматига олсин”, дейди [4:2-жилд, 897].

Имом Абу Жаъфар Таҳовий ҳижрий 321 йил Зулқаъда ойи бошида/милодий 933 йили октябр охирида Мисрда вафот этди. У Қурофа деган жойда дафн этилган.

Имом Таҳовий “Шарҳи маони-л-осор” китобининг номланиши ва ёзилиш услублари ўзига ҳослиги билан бошқа асарлардан ажралиб туради. Имом Таҳовий “Шарҳи маони-л-осор” китобининг номини ушбу асар муқаддимасида зикр қилмаган. Лекин у бу номни асарнинг “Хужжат” китоби, “Расулуллоҳ (с.а.в.) Маккани фатх қилганлари” бобида айтиб ўтган: “Биз бу бобдаги ҳар бир гуруҳ ривоят қилган асарларни, Абу Ҳанифа ва Абу Юсуф айтган фатволарни “Шарҳи маони-л-осор”нинг “Савдо китоби”да Расулуллоҳ (с.а.в.)дан нақл қилинган турли ҳадислар асносида келтиргандик. Шунинг учун бу ерда уларни қайтариб ўтиришга ҳожат бўлмади”.

Имом Таҳовий, шунингдек, “Шарҳи мушкили-л-осор” китобида ҳам ушбу номни эслаб ўтган: “Бунинг “Шарҳи маони-л-осор” китобимизнинг тегишли бобида айтган эдик”.

Ушбу китоб Имом Таҳовийга оид эканлигини айтган кўплаб олимлар уни айтиш – “Шарҳи маони-л-осор” номи билан атаган. Хусусан, Ибн Надим “Фихрист”да, Абу Абдуллоҳ Саймарий “Ахбори Абу Ханифа”да, Ибн Асокир “Тарихи Димашқ”да, Қаттоний “ар-Рисолату-л-мустатрақа”да, Ибн Баттол “Шарҳи саҳиҳи-л-Бухорий”да, Ибн Абдул Барр “ат-Тамҳид фил-муватто мина-л-маоний ва-л-асанид”да, Абдуррахмон Муборақфурий “Тухфатул-аҳвазий”да бу ҳақда айтиб ўтган.

Яна кўплаб олимлар ушбу асарни “Маони-л-осор” деб, “шарҳ” калимасисиз атаган. Жумладан, Ҳофиз Ибн Ҳажар Асқалоний “Фатҳул-Борий”да, Заҳабий “Тарихи Исломи”, “Тазкирату-л-хуффо” ва “Сияру аъломи-н-нубало”да, Котиб Чалабий “Кашфуз-зунун”да, америкалик шарқшунос Корнелиус Ван Дейк “Чоп этилган нарсалар билан кифояланиш”да, Сиддиқ Ҳасан Хон “ал-Ҳутто фи зикриси-хотис-ситта”да, Исмоил Пошо Ал-Бобоний “Ҳадияту-л-орифин”да, Мусо Шохин Лошин “Фатҳул-мунъим шарҳи саҳиҳи Муслим”да асарни шундай ном билан эслаган.

Имом Абдулҳай Лакнавий ушбу ихтилоф сабабини шундай шарҳлаган: “Имом Таҳовийнинг бу асарини ўқиганимда баъзида “Маони-л-осор”, баъзида эса “Шарҳи маони-л-осор” деб номлаганини кўрдим. Шунинг учун айрим олимлар китоб номини қисқартириб, “шарҳ” калимасини ишлатмай, “Маони-л-осор” деб номлаб кетган” [5:32].

“Шарҳи маони-л-осор” – ҳукм олинадиган ва ихтилофли фикҳий масалаларга далил бўладиган ҳадислар тўпланган асар бўлиб, фикҳий мавзулардаги китоблар ва боблардан ташкил топган. Муаллиф Имом Абу Жаъфар Таҳовий бу асарида Расулulloҳ (с.а.в.)дан нақл қилинган ва маъноси бир-бирига зид туюладиган ҳадисларни жамлаб, уларнинг носих (аввалги ҳадиснинг ҳукмини бекор қилувчи) ва мансук (ҳукми бекор қилинган ҳадис), муқайяд (бирон нарсага қайдланган ҳадис) ва мутлак (ҳукми умумий бўлган ҳадис) бўлганларини, амал қилиш вожиб бўлган ва вожиб бўлмаганларини баён қилиб кетган.

“Шарҳи маони-л-осор” китоби ҳадиси шарифлар жамланган мўътабар манбалардан

саналади. Ҳофиз Ибн Ҳажар Асқалоний ўзининг “Итҳофу-л-маҳара” китобида Имом Таҳовийнинг асарини унда саҳиҳ ҳадислар кўплиги сабабли ҳадис илмида “Кутубу ситта” – “олти саҳиҳ китоб”дан (Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий, Насоий ва Ибн Можанинг ҳадис тўпламлари) кейинги ўринда санаган [6:1-жилд, 159]. Бу “Шарҳи маони-л-осор”да ҳадисларнинг санади ва матнига тааллуқли кўплаб фойдалар борлиги, ҳадислардан ҳукм олиш йўллари кўрсатиб ўтилгани, ўзаро зидлик ўринлари баён этилгани, носих ва мансук ҳадислар ажратилгани, хабарларни қабул қилиш ёки рад этишга асос бўладиган жарҳ ва таъдил қоидалари берилгани, шунингдек, ундаги ҳадислар чиройли тартибланиб, бобларга бўлингани сабабли берилган баҳодир.

Ушбу китоб Имом Таҳовийга тегишли эканлиги бир қатор саҳиҳ йўллар билан собит бўлган: кўплаб тарихий манбаларда, ровийларнинг ҳаёти баён қилинган китобларда “Шарҳи маони-л-осор” айтилиши муаллифга оидлиги зикр қилиб ўтилган. Жумладан, Имом Заҳабийнинг “Тазкиротул-хуффо” ва “Сияри аъломин-нубало” китобларида, Имом Суютийнинг “Табақотул-хуффо” асарида, Довудийнинг “Табақотул-муфасссирийн” китобларида бу ҳақда таъкидланган.

Шунингдек, фикҳистларда (китоблар рўйхатланган каталоглар) ҳам “Шарҳи маони-л-осор”ни Имом Таҳовий ёзганлиги қайд этилган. Бундай фикҳистлар сирасидан Ибн Надимнинг “Ал-фихрист”, Ҳожи Халифанинг “Кашфуз-зунун”, Каттонийнинг “ар-Рисолату-л-мустатрақа”, Ибн Ҳажар Асқалонийнинг “ал-Муъжаму-л-муфаҳхас”, Ибн Хайр ал-Ишбийнинг “Фихриса” кабиларни санаши мумкин.

“Шарҳи маони-л-осор”дан иқтибос олган Ҳофиз Ибн Абдул Барр “Ат-тамҳид”да, Ҳофиз Ибн Ҳажар Асқалоний “Фатҳу-л-Борий”, “Таҳзибу-т-таҳзиб”, “ал-Исоба” ва “Тағлику-т-таълик”да ушбу асарни Имом Таҳовийга нисбат берган.

Имом Таҳовий “Шарҳи маони-л-осор”нинг муқаддимасида уни ёзиш сабаби ҳақида очик изоҳ берган: “Аҳли илм дўстларимиздан бири унга бир китоб ёзиб беришимни, китобда

Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ривоят қилинган ва мулҳид (диндан юз ўгирган) ҳамда иймони заиф кишиларни чалғитган, “баъзи ҳадислар бошқасига зид” деган нотўғри тушунчага сабаб бўлган ҳадисларни шарҳлаб беришимни сўради. Зеро, бу нотўғри тушунча ўша кишиларнинг носих ва мансухни билмаслиги, амал қилинадиган ва амал қилинмайдиган ҳадисларни ажрата олмаслиги сабабли юзага келган. Мен бу асарни ёзиб, уни китоб ва бобларга бўлдим. Ҳар бир китобда носих ва мансухни, олимларнинг ушбу ҳадисларга нисбатан таъвилларини, ўзимнинг наздимда сўзи саҳиҳ бўлиб, Китоб, Суннат ва ижмоъдан далил келтирилган, ёки саҳоба ва тобеинларнинг сўзларидан мутавотир бўлган гапларни зикр қилдим. Мен бу ишни синчиклаб, қаттиқ баҳс-тадқиқлардан кейин амалга оширдим. Мендан сўралган масалаларга мувофиқ бобларни қўйиб, китобларга ажратиб чиқдим. Ҳар бир китобда мавзуга мос далилларни келтирдим”. [7:1-жилд, 11].

Имом Таҳовий “Шарҳи маони-л-осор”да ҳадисларни ривоят қилиш ва йўлларини баён этишда турли услубларни қўллаган.

1. Санадларни таҳвил – ривоят йўлларини ўзгартириб, бошқа ровийлар орқали келтириш. У бунда муҳаддисларнинг одатига кўра, ҳ (“ҳа”) ҳарфидан фойдаланган.

2. Ровийларнинг орасини боғловчи воситасида жамлаш: Имом Таҳовий битта ҳадисни икки ёки ундан кўпроқ устозидан эшитган бўлса, уларнинг исмларини з (“вов”) ҳарфи билан боғлаб, кетма-кет келтирган (“фалончи ва фалончи бизга ривоят қилади” тарзида).

3. Олдин келган ҳадисга йўналтириш: Таҳовий баъзи бобларда шу бобга тегишли ҳадисни ёзмай, айна ҳадисни бошқа бобда келтирганини айтиб, ўша ерга йўналтиради.

4. Матнга ишора қилиш: агар бир ҳадисни санади ва матни билан ривоят қилган бўлса, сўнгра худди шу ҳадисни бошқа санад билан ривоят қилса, матнни такрорламай, “шунга ўхшаш ҳадис”, “шу каби ҳадис” деб кетган [8: 58-61].

Имом Таҳовий ўз асарида ҳадис ровийларидаги жарҳ ва таъдилга, ровийлар

ҳақида таъриф беришга унчалик кўп баҳо бермаган. Унинг бу борадаги сўзлари уч қисмга бўлинади: [9:68-70].

1. Ўзи томонидан берилган баҳолар: бунда жарҳни (ровийларни заифлиги билан айблаш) жуда кам ва санокли ҳолатлардагина ишлатган, у заиф санаган ровийлар бор-йўғи беш нафардир.

2. Бошқа олимлардан нақл қилган баҳолар. Масалан, Язийд ибн Адҳам ҳақида шундай деган: “Уни Амр ибн Динор Зухрийга қилган хитобида заиф санаган, Зухрий буни инкор этмаган ва аҳли илмлар сафидан чиқариб, аъробийлардан деб ҳисоблаган”. [10:2-жилд, 270].

3. Бир ровийнинг ҳадисларини ҳужжат қилиб келтирганда, унинг рақиблари тилидан уни айблаб берилган баҳо. Таҳовийнинг китобида аксар жарҳлар худди шу тарзда келган. Масалан, Садақа ибн Абдуллоҳнинг заифлиги ҳақида шундай дейди: “Уларга “Бу Садақа ибн Абдуллоҳ. У сизларнинг наздингизда заиф. Қандай қилиб унинг ҳадисини ҳужжат қилиб келтирасизлар?” – дейилди”. Таҳовий баъзи ровийларнинг жарҳини шу тарзда келтирганидан кейин бунинг учун узр сўраган: “Мен Абдуллоҳ ибн Абу Бакрга ҳам, Ибн Лаҳийъага ҳам, булардан бошқаларни ҳам айблашни истамадим. Аммо уларга нисбатан муҳолифларининг зулмини баён қилишни хоҳладим” [11:1-жилд, 74].

Имом Таҳовий баъзи ҳадисларнинг санадидаги ровийларга таъриф бериб, танитиб кетган: мавҳум-нотаниш ровийларнинг исмларини ёзган, бирон жойга нисбати берилмаган ровийларни муайян жойларга нисбат берган, исмларида хато кетган ровийларнинг номларини тўғрилаган ва ҳоказо.

“Шарҳи маони-л-осор”даги боблар номи унда келадиган ҳадисларнинг умумий мазмунига қараб қўйилган. Имом Таҳовий бобларни номлашда қуйидаги усуллардан фойдаланган:[12:58].

1. Умумий хабар кўринишида. Бунда ҳадисларнинг мазмунига кўра битта ном танланган. Китобдаги аксар боблар айна шу шаклда номланган.

2. Савол кўринишида. Масалан, “Таяммумнинг кайфияти қандай бўлади?” – каби.

3. Иқтибос кўринишида. Имом Таҳовий баъзида муайян бобда ўзи келтирган ҳадисдан иқтибос олиб, уни боб сарлавҳасига чиқарган. Масалан, “Расулulloҳ (с.а.в.)нинг “Икки ҳайит – Рамазон ва Зулҳижжа ноқис бўлиб қолмайди”, деган сўзларининг маъноси ҳақидаги боб” каби.

Имом Таҳовийнинг “Шарҳи маони-л-осор” китоби Исломда энг муҳим ва қадрли, фойдаси кўп бўлган асарлардан. Унинг қиймати олимлар берган баҳолар, у билан бошқа ҳадис китобларини солиштириш орқали янада очиқ кўринади.

Бадриддин Айний айтади: “Бу китобни инсоф билан ўқиган киши унинг кўплаб машҳур ва мақбул ҳадис китобларидан устун эканлигини кўради. Бу устунлик китобнинг жумлалари ва тартибида очиқ кўринади. Бунга фақат жохил ёки мутаассиб киши шубҳа қилиши мумкин” [13:1-жилд, 5].

Атқоний “Совмул-ҳидоя”да касал кишининг рўзани қазо қилиши ҳақидаги ихтилофни Таҳовийдан нақл қилиб, бошқа олимларга раддия бериб, шундай деган: “Агар Абу Жаъфарнинг иши хусусида иккилансангиз, “Шарҳи маони-л-осор” китобига қаранг. Ўзимизнинг мазҳабни қўя турун, бошқа мазҳабларда унга ўхшадини топа оласизми?” [14:2-жилд, 728].

Ибн Ҳазм Зоҳирий айтади: “Қадрлашга энг муносиб китоб “Саҳиҳайн” (Бухорий ва Муслимнинг “Саҳиҳ”лари), Саид ибн Саканнинг “Саҳиҳ”и, Ибн Жоруднинг “Мунтақо”си, Қосим ибн Асбағнинг “Мунтақо”си. Сўнгра бу китоблардан кейин Абу Довуд ва Насойининг “Сунан”и, Қосим ибн Асбағнинг “Мусаннаф”и ва Таҳовийнинг “Мусаннаф”и (“Шарҳи маони-л-осор”) келади” [15:3-жилд, 231].

Каттоний “Шарҳи маони-л-осор” ҳақида шундай дейди: “У улуг, ичидаги китоблари ва боблари тартибланган асар. Унда муаллиф Расулulloҳ (с.а.в.)дан ҳукмлар мавзусидаги – бири бошқасига зид деб ўйланадиган ҳадисларни нақл қилиб, уларнинг носихи ва мансухи, муқайяди ва мутлақи, амал қилинадигани ва амал қилинмайдиганини баён қилиб берган” [16:43-44].

Ибн Халдун ўзининг “Тарих”ида айтади: “Таҳовий кўп ҳадис ривоят қилган ва ўзининг

“Муснад”ини (“Шарҳи маони-л-осор”ни) ёзган. Бу жуда қадрли китоб. Лекин “Саҳиҳайн”га тенг келмайди. Чунки Бухорий ва Муслим ўз китобларида таянган шартларга барча ҳадис имомлари томонидан иттифоқ қилинган. Имом Таҳовий таянган (ҳадисларни саҳиҳ-заифга ажратишда қўйган) шартлар борасида эса олимлар ўртасида иттифоқ йўқ. Масалан, у ҳолати номаълум ровийлардан ҳадис ривоят қилган. Шунинг учун “Саҳиҳайн” ҳам, “Сунан” китоблари ҳам шартлари кучли бўлгани сабабли Таҳовийнинг асаридан олдинга қўйилади” [17:1-жилд, 562].

Имом Таҳовийнинг “Шарҳи маони-л-осор” асари муҳим китоб бўлгани сабабли фақиҳлар унга шарҳ ва таҳлиллар битишган.

“Тасҳиҳу маони-л-осор” – Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бохилий ал-Моликий (321/932-33 йили вафот этган) ёзгани тахмин қилинади [18:1-жилд, 93].

Аллома Бадриддин Айний (855/1451-52 йили вафот этган) бу асарни шарҳлаб, иккита йирик китоб ёзган: “Нухабул-афкор фи танқийҳи маони-л-осор” ва “Мабони-л-ахбор фи шарҳи маони-л-осор”.

“Мажони-л-асмор мин шарҳи маони-л-осор” – Муҳаммад Ошиқи Илоҳий ал-Барний ал-Маданий (1422/2001-2002 йилда вафот этган).

“Шарҳи маони-л-осор” – Абул Фазл ибн Наср ибн Муҳаммад ад-Деҳистоний.

Бугунги кунда ушбу асар бир неча бор Ҳиндистон, Қоҳира ва Байрутда нашр этилди.

1. Ҳиндистонда нашр этилган нусха – ҳижрий 1300/милодий 1883 йили Лакхнавада, 2 жилдда чиққан. Шайх Васий Аҳмад Салама Самад муҳаррирлик қилган.

Кейинчалик Шайх Муҳаммад Айюб ал-Мазоҳирий ас-Саҳоранфурий бу нашрда ўтиб кетган хатоларни жамлаб, “Таҳовийнинг асари нусхаларида йўл қўйилган китобий хатоларни тузатиш” номли 2 жилдли асар ёзган.

2. Қоҳирада, “Анворул Муҳаммадия” босмаҳонасида 1388/1968 йилда босилган нашр. 4 жилдда чиққан. “Ал-Азҳар” олимларидан бўлган Муҳаммад Зухрий Ан-Нажжор ва Муҳаммад Саййид Жоду-л-Ҳаққ муҳаррирлик қилган.

3. Байрутда, “Дору-л-кутубил илмия” нашриётида, 1399/1979 йили чикқан нашр. Юсуф ал-Муроишлий тахрир қилган.

ХУЛОСА

“Шарҳи маони-л-осор” китоби қадимда ҳам, ҳозирдам ҳам олимларнинг эътиборини тортиб келган, унга шарҳлар ёзилган, мухтасарлар қилинган, ҳадислари саҳиҳ-заифга ажратилган, манҳаж баён этилган, ровийларининг таржимаи ҳоллари қайд қилинган, унда келган ҳадислар “Кутубу ситта”га солиштириб чиқилган. Дунёнинг кўплаб мадрасаларида хусусан бизнинг Ислом Олий Маъҳадида ҳам дарслик сифатида фойдаланиб келинмоқда.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Бадриддин Айний. Мағони-л-ахёр фи рижоли маони-л-осор. 3-жилдли. – Байрут: Дорул-кутубил илмия, 2010.
2. Ибн Надим. Ал-Фихрист. 4-жилдли. – Байрут. Дорул-маърифат, 2012.
3. Абу Жаъфар Таҳовий. Маонил-осор. 5жилдли. – Байрут: Оламул-кутуб, 1994.
4. Абу Жаъфар Таҳовий. Шарҳу мушкилил-осор. 16жилдли. – Байрут: Муассасатур-Рисола, 1994.
5. Ёқут Ҳамавий. Муъжамул-булдон. 4жилдли. – Байрут: Дорул-кутубил-илмия, 1979.
6. Муҳаммад Заҳабий. Сияру аъломин-нубало. 30жилдли. – Байрут: Дорул-кутубил-илмия, 2010.
7. Ибн Халликон. Вафаётул-аъён. – Байрут: Доруссадр, 1978.
8. Ибн Ҳажар Асқалоний. Лисону-л-мизон. 10жилдли. – Байрут: Дорул-башоир-исломия, 2002.
9. Муҳаммад Заҳабий. Тазкиратул-хуффо. – Ҳайдаробод: Доирату-л-маорифи-л-Усмония, 1955.
10. Абдурраҳмон ибн Носир ал-Баррок. Шарҳ ал-Ақида ат-Таҳовия. – Риёд: Тадмурия, 2008.
11. Қосим ибн Қутлубғо. Тожу-т-тарожим фи табақоти-л-ханафия. – Димашқ: Дору-л-қалам, 1992.
12. Ал-Мавсуатул-фикҳия. 45жилдли. Вақф ва Исломий ишлар вазирлиги. – Кувайт: Зотус-саласил, 1983.
13. Ибн Хайр Ишбий. Феҳрист. – Байрут: Дорул-кутубил-илмия, 1998.
14. Муҳаммад Абдулҳай Лакнавий. Фавоидул-бахия фи таржиматил-ханафия. – Байрут: Дору-л-китобил-исломий, 1906.

15. Ҳожи Халифа. Кашфуз-зунун ан асомий ал-кутуб ва-л-фунун: 2жилдли. – Макка: Мактабату-л-файсалия, 1981.

16. Муҳаммад Зоҳид Кавсарий. Ал-Ҳовий фи-с-сийрати-л-имом Аби Жаъфар Таҳовий. – Қоҳира: Матбаату-ланвори-л-Муҳаммадия, 1949.

17. Доктор Абдуллоҳ Назир Аҳмад. Абу Жаъфар Таҳовий, ал-имом, ал-муҳаддис, ал-фақиҳ. – Дамашқ: Дору-л-қалам, 1991.

18. Абдулмажид Маҳмуд. Абу Жаъфар Таҳовий ва асаруҳу фи-л-ҳадис. – Қоҳира: Визоратуссақофа, 1970.